

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она-юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқурлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Курбанова Муҳаббат Жабборна — Шеробод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Сейтимбетова Несебели Айтековна — Нукус политехника касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Абдуллаева Тайифа Эргашевна — Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти
Жомуродов Қорғди Самадович — Жондор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти
Муҳаммадулова Улбўсин Эрбўтаевна — Зарбдор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдуллаева Латифат Музуровна — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи тарбиячиси
Абдуллаева Фариданом Хомидовна — Избоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти
Азимбаева Нигора Муратовна — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

Ашуров Бахтиёр Темирович — Қарши sanoat касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Жабборов Рустам Рахимович — Шовот маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Кенджаев Шавкат Иргашевич — Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Маматов Кайим Азимович — Самарқанд темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Пулатова Азадаҳон Хошимовна — Қува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика ва акробатика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

Рахмонов Ислоҳжон Абдулазизович — Окқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг таълимий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Санаева Махсуда Халикуловна — Сирдарё вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази директори

Турсунова Мохира Дўстқобиловна — Нурота туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Поливанова Людмила Геннадьевна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими мураббийи

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавийтини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гоёга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Бахриева Дилором Муртозокуловна — Касби туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти
Зияев Рихсибай Каюмович — Қибрай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Каримова Малика Мирзабдулаевна — Юнусобод туманидаги 235-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Артикова Наиля Александровна — Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси «Булбулча» болалар ашула ва ракс ансамбли бош балетмейстери, Тошкент шаҳри

Бозоров Абдуқоюм Каримович — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қобилова Бахти Нормуратовна — Жиззах шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мирзаев Рустам Абраимович — Каттақўрғон туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мирзаев Хасанбай Номирзаевич — Норин қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мустанова Нодира Гайбуллаевна — Шарғун қишлоқ касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Низомова Тоҳинар Артикбаевна — Гулистон шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нурматова Зулхумор Хакимовна — Олтиариқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Раҳманов Хайитбай — Хонка маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сметова Злиха Кошкинбаевна — Шуманай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанова Наргиза Таджикуловна — Ангрен тиббиёт коллежининг физика ва астрономия фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тиллаев Қаҳрамон Мухаммадиевич — Шофиркон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хамроев Ражаббой Қўлдошович — Навбахор sanoat касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шодиева Феруза Арабовна — Косон туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 21 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

1-модда. 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863-ХII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **37'-модда** билан тўлдирилсин:

«37'-модда. Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш

Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида бажарилади.

Ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

2) **43-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳаво кемасининг эгаси билан бўлажак эксплуатант ўртасида ижара шартномаси мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемаси тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар эксплуатантга ўтказилган ҳолда чет эллик эксплуатантга ижарага (экипаж билан ёки экипажсиз) берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти чет эл давлатининг ваколатли органи билан ижарага олинган ҳаво кемасидан фойдаланиши устидан назорат қилиш бўйича муайян мажбуриятларни унга ўтказиш мақсадида белгиланган тартибда битим тузиши мумкин»;

3) **54-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низомида белгиланган тартибда таснифланади.

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган самовий ҳудудга бўлинади. Бунда назорат қилинадиган самовий ҳудуд деганда парвозларга диспетчерлик хизмати кўрсатиш таъминланадиган доирадаги самовий ҳудуд тушунилади. Назорат қилинмайдиган самовий ҳудуд деганда парвозлар пайтида ахборот хизмати кўрсатиладиган доирадаги самовий ҳудуд тушунилади;

4) **61-модда:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қидирув-қутқарув ишларини бажаришда, табиий ва техноген хусусиятга эга факулдлар вазиятлар руй берган тақдирда инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда иштирок этаётган ҳаво кемалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириятининг ҳаво кемалари аэронавигация ва аэропорт йиғимларидан озод қилинади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) **74-модданинг учинчи қисмидаги** «Авиация маъмурияти» деган сўзлар «ҳаво кемасининг эксплуатанти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **83-модда иккинчи қисмининг русча матнидаги** «протестовано» деган сўз «обжаловано» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) қуйидаги мазмундаги **92'-модда** билан тўлдирилсин:

«92'-модда. Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари

Йўловчи ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳаво кемаси командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар ҳавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шарт.

Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланади;

8) **94-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Ҳаво транспортда ташиш йўловчилар, қўл юки ва юк аэропортда, ҳаво кемаси ичида ёки бошқа учуш-қўниш жойида бўлишдан қатъи назар, ташувчининг жавобгарлиги остида бўлган вақт мобайнидаги даврни қамраб олади»;

9) **95-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Хорижий оммавий ахборот воситаларида шу йил 12–14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

Қуйида Болтиқбўйи халқаро академияси профессори, иқтисод фанлари доктори Ольга ПАВУКнинг «Балтийский курс»/«The Baltic Course» халқаро журналида чоп этилган мақоласи айрим қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда:

«The Baltic Course»:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ РИВОЖИГА УСТУВОР ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»

«Ўзбекистон бутун дунёга иқтисодийётида эришаётган ютуқларини кенг намойиш этмоқда. Утган ҳафта Тошкентга «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун дунёнинг 50 давлатидан уч юздан ортиқ хорижий меҳмон ташриф бурди. Форумда қарийб мингга яқин киши қатнашди.

Президент Ислам Каримовнинг янги Симпозиумлар саройида ўтган форумнинг ялпи мажлисида иштирок этган конференциянинг нуфузини янада оширди. Сўнги уч йилда «Балтийский курс»/«The Baltic Course» журнали Тошкентда ўтган халқаро конференцияларда уч марта қатнашди. Ўзбекистоннинг фарланса аризули ютуқлари-

ни яхши биламиз. Ўзбекистон — иқтисодийёти энг мураккаб глобал молиявий-иқтисодий инқироз йилларида ҳам барқарор ўсаётган, яъни сўнги йилларда юксалиш ҳажми йилига камида 8 фоизни ташкил этаётган дунёдаги камсонли мамлакатлардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осие тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки каби нуфузли халқаро институтлар вакиллари Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш соҳасида эришилаётган ютуқларни юксак баҳоламоқда. Мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи ушбу соҳа томонидан ишлаб чиқарилмоқда ва иш билан банд жами аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Эъзоз ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси

«XXI аср — рақобат асри». Ҳаётимизнинг ушбу таърифи бугунги кунни теран тасаввур этиш имконини беради. Тўғри, бизнинг асримизга ахбороту интернет асри каби ўнлаб сифатлар берилган бор гап. Бироқ ушбу қарашлар замирида интеллектуал бойлик, салоҳият борасидаги рақобат муҳимдир.

Бундай шароитда, айтиш мумкин, ҳар бир давлат ва халқ ўзига хос ривожланиш концепциясини илгари суради ҳамда жаҳонда муносиб ўрин эгаллашга интилади. Ўзбекистонда эса инсон омилига ҳал қилувчи асосий куч сифатида қаралиб, юксак маънавиятга эга, замонавий билимлари пухта ўзлаштирган, ҳар қандай соҳада дунё мамлакатлари ёшлари билан тенглаша оладиган янги авлодгина жамият тараққиётини белгилашга қатъий ишонч билдирилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Президентимиз ушбу масала хусусида фикр юритар экан, жумладан, шундай деди: «Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиёт-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

нинг энг муҳим шarti ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимдир ишонтириш ёки бунисиб қўйишнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман. Ана шу гоёт муҳим жиҳатни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган».

(Давоми 4-бетда).

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан соҳанинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилгани боис белгилаб олинган ўзига хос сиёсат амалда ўз са-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА
АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

II даражали «Соғлом авлод учун»
ордени билан

Бадалов Шавкат Азимович — Жиззах туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббий, Жиззах вилояти

Манбатова Муқаддам Хамдамовна — Косонсой туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мухамедов Тахир Талибжанович — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Ахмаджонов Баходир Нематжонович — Марҳамат туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Генжемуратова Гулсара Оралбаевна — Қораўзақ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Долгова Ольга Владимировна — Оҳангарон туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Игамбердиев Жура Мамашукурович — Ангор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Казн Натэлла Шамильевна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Каршибаева Озода Усанбаевна — Фарғона шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Каршиева Зулхумор Абдуғаниевна — Ширин энергетика ва маийши хизмат касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нарзиева Шоира Шамсиддиновна — Пешку туманидаги 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг баскетбол бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Насиров Эркин Ражабович — Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Низамова Матлюба Икромовна — Мингбулоқ маийши хизмат касб-хунар коллежининг оила психологияси фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Серикбаева Рискул Хожбаевна — Конимех туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Усманова Фазилат Джураевна — Шахрисабз қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Файзиев Облокул Унарович — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей директорининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

Хабидуллаева Мухаббат Азаматовна — Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«Шухрат» медали билан

Ақбарова Зайнабжон Обидовна — Данғара саноат касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахатов Уктам Халилович — Яккабоғ туманидаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ахмедова Замира Аминовна — Когон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бекчанова Ойгул Насруллаевна — Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Болиева Матлюба Норбоевна — Иштихон туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бухарбаева Бахтигул Джолдасовна — Чимбой туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаксимуратов Даулбай Матмуратович — Мўйноқ саноат-транспорт касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жалилов Зокир Абдужалолович — Галларол саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

Жиемуратова Назира Шамуратовна — Кегейли туманидаги 55-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жураева Гулчехра Мусурмановна — Узун педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жўрабекова Одина Хуршидовна — Учкўприк саноат касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Иноятова Матлюба Нусратиллоевна — Бухоро туризм коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Исломова Мархаба Мамановна — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номи академик лицейи директорининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Исматова Мамлакат Икромовна — Бухоро вилояти 32-Мехрибонлик уйи тарбиячиси

Карабаева Махбуба Курбоновна — Пастдарғом тиббиёт коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Самарқанд вилояти

Каримов Юнусжон Мирзарахимович — Тўрақўрғон туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Комилов Шерзодбек Фуломидинович — Асака автомобилсозлик касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Андижон вилояти

Косимов Илхомжон Солижанович — Андижон автомобиль йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кувандикова Джамила Яхшибаевна — Навоий шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Навоий вилояти

Кулдашева Дильфуза Мамасолиевна — Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги Учқўрғон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Лоскутова Оксана Анатольевна — Миробод туманидаги 32-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

Марулов Каримжан Марубжанович — Чуст туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Муталова Гулчехра Хамидовна — Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Намазов Абдураим Аманович — Термиз туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Сурхондарё вилояти

Низомова Барчиной Назировна — Бешариқ қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Нурллаева Гулчехра Атабаевна — Хива миллий хунармандчилик ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Очилова Гулмехра Нишоновна — Қизилтепа туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Пардаев Абдугани Мирзаевич — Олтинсой туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Рахимова Гулора Пирназаровна — Урганч маийши хизмат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти

Рахимова Нилуфар Нематовна — Пахтачи туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Саидова Шахло Норматовна — Фузор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Сафаров Нурулло Примович — Қорақўл туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг қашқар рубоби синфи ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Султанова Назимат Хожиевна — Китоб агросаноат касб-хунар коллежи директори, Қашқадарё вилояти

Тагажанова Муяссар Насиралиевна — Янгийўл туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тлеуова Гульназ Кадирниязовна — Нукус агроиқтисодиёт коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тошматова Дилфуза Алибоевна — Сарийосиё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Турсунбаев Нигматилла Юлдашевич — Чилонзор тиббиёт коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Умарова Дилфуза Исмаиловна — Жалолқудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Усмонова Мархабо Файзуллаевна — Нуробод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Фатхуллаева Муқаддам Рахимджановна — Зангиота тиббиёт коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Тошкент вилояти

Халметова Захра Абдуғафуровна — Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хожаназарова Закира Абдуалиевна — Қонликўл туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Холжигитов Турғун Абдуназорович — Булунғур қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хомидов Дилшодбек Боходирович — Шаҳрихон туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Шерматов Саид Назарович — Ховос транспорт касб-хунар коллежининг махусус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Эргашева Айкумуш Хушвақтовна — Қарши шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Юнусов Абдусайд Эргашевич — Ўзбекистон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 27 сентябрь

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЎзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

«Ҳаво кемаларининг эксплуатантлари Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланадиган ҳаво транспортда ташиш ёки авиация ишларини бажариш қоидаларига риоя қилиши шарт. Бунда ҳаво кемаларининг эксплуатантлари ҳаво транспортда ташиш ёки авиация ишларини бажаришнинг ўз фаолиятлари хусусиятига мос келадиган ва Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган қоидаларга зид бўлмаган қўшимча қоидаларини белгилаши мумкин.

Ҳаво кемаларида почта ташиш тартиби почта алоқаси соҳасидаги махусус ваколатли орган томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти билан келишилади»;

10) **98-модданинг биринчи қисми** «эса» деган сўздан кейин «бундай» деган сўз билан тўлдирилсин;

11) **99-модда:**
биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «ҳаво кемасини кира қилиш» деган сўзлар «(ҳаво кемаларини кира қилиш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чартер (ҳаво кемаларини кира қилиш) шартномаси бўйича ташиш ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ амалга оширилади»;

12) **100-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳаво кемасида йўловчи, қўл юки ташиш учун жойларни ҳамда юк ва почта ташиш учун ташиш сифимини банд қилиб қўйиш ташувчининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади»;

13) **102-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ташувчи ўз имтиёзли тижорат дастурларини амалга ошириш ва бундай дастурларда назарда тутилган қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга»;

14) **103-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташувчи ҳаво транспортда йўловчи, қўл юки ва юк ташиш шартномасини ташиш йўналишининг исталган манзилида қуйидаги ҳолларда бекор қилиши мумкин:

йўловчи ёки юк жўнатувчи томонидан парвоз бошланадиган, тугайдиган ва транзит мамлакатининг қонун ҳужжатларида белгиланган божжона, чегара, санитария-карантин талаблари ва ҳаво транспортда ташишга тааллуқли бошқа талаблар бузилса;

агар йўловчи соғлиғининг ҳолати ҳаво транспортда ташишнинг алоҳида шарт-шароитларини талаб қилса ёхуд йўловчининг ўз хавфсизлигига ёки

бошқа шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид солса, бу ҳол тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланса, худди шунингдек тартибсизлик келтириб чиқарса ва бошқа йўловчиларга ташиш шартномасининг шарт-ларига назарда тутилган хизматларни кўрсатиши учун ташувчига имконият бермаса;

ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари йўловчи томонидан парвоз хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган ёхуд ҳаво кемаси ичидаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва мол-мулкига таҳдид туғдирадиган тарзда бузилса;

ҳаво транспортда ташишларнинг белгиланган қоидалари талабларини бажариш йўловчи ёки юк жўнатувчи томонидан рад этилса»;

15) **104-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йўловчи ҳаво транспортда ташиш шартномаси амал қилиб турган исталган вақтда — йўловчи учун жой банд қилиб қўйилган ҳаво кемаси парвоз қилгунча ёки парвоз қилганидан кейин йўналиш манзилларидан бирида ҳаво транспортда ташиш шартномасини бекор қилиш ва ташиш учун тўланган сумманинг ҳаммасини ёки бир қисмини ташувчининг тарифларини қўллаш қоидаларида белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга»;

16) **105-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Чартер (ҳаво кемаларини кира қилиш) шартномалари бўйича ташишни бажариш учун шартнома тарифлари белгиланиши мумкин»;

17) **106-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«106-модда. Юкнинг ёки қўл юкнинг олинмаслиги ва кечикиб олиниши

Агар қабул қилувчи етиб келган юкни ташиш қоидаларида белгиланган муддатда талаб қилиб олмаसा ёки уни олишдан воз кечса, ташувчи жўнатувчини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда юкни жўнатувчининг ҳисобидан сақлаш учун ўзида қолдиришга ҳақлидир. Қабул қилувчи хабардор қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида юк олиб кетилмаган ва бу юкка нисбатан юк жўнатувчининг бирор-бир фармойиши олинмаган бўлса, бундай юк талаб қилиб олинмаган деб ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинади.

Учиб келган рейс йўловчиларига қўл юки топширилганидан кейин талаб қилиб олинмаган қўл юки уни олиб келган ташувчи ҳисобидан сақлаш ва бундай қўл юкнинг эгасини қидириш ҳамда уни эгасига етказиб беришни ташкил этиш учун аэропортнинг тегишли хизматига топширилади.

Ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб

ёки унга зарар етказилганлиги билан боғлиқ зиён қуйидаги ҳолатлардан бири ёки бир нечтаси натижасида юзгага келганлигини исботлай олмаса, етказилган зиён учун жавобгар бўлади:

давлат органининг юкни олиб кириш, олиб чиқиш ёки унинг транзитига тааллуқли акти;

уруш ёки қуроли тўқнашув акти;

юкка хос бўлган нуқсон, унинг сифати ёки ундаги камчилик»;

23) **116-модданинг:**
биринчи қисми:

«**а**» **бандидаги** «юк ёки қўл юкнинг йўқолгани ёхуд камомати» деган сўзлар «юк ёки қўл юкнинг йўқолгани, камомати ёхуд унга етказилган зарар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«**б**» **банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) қиймати эълон қилинмаган ҳолда ташиш учун қабул қилинган юкнинг ёки қўл юкнинг, шунингдек йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолганлиги, камомати ёхуд уларга етказилган зарар учун — Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;
тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

24) **122-модданинг:**
иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташиш битта ташувчи томонидан бажарилган тақдирда талаблар даъвогарнинг хошишга кўра парвоз бошланган ёки тугаган манзилда билдирилади. Ташиш бир нечта ташувчи томонидан бажарилган тақдирда, қўл юки ёки юк ташиш қойдаси бузилганлигига доир талаблар даъвогарнинг хошишга кўра биринчи ёхуд охириги ташувчига, йўловчининг ўлими юз берган ёки соғлиғига зарар етказилган тақдирда эса, ташишни йўналишининг зарар юзгага келган участкасида бажарган ташувчига билдирилади»;

учинчи қисми «а» бандидаги «авиация корхонасига» деган сўзлар «ташувчига» деган сўз билан алмаштирилсин;

25) **126-модда** «йўлларда ташишга» деган сўзлардан кейин «ёки бир нечта ташувчи иштирок этаётган ташишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 27 сентябрь

№ УРҚ—337

«The Baltic Course»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ РИВОЖИГА УСТУВОР ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

Президент Ислон Каримов ялпи мажлисдаги нутқида шундай маълумотларни келтирди: агар 2005 — 2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодийётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Ишлаб чиқарилаётган саноят маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Конференция давомида хоржий делегациялар Самарқанд ва Бухорога ташриф буюриб, кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликларни бориб кўрди ҳамда касб-хунардонлар билан кичик корхоналар фаолияти билан танишди. Кичик ва микро корхоналар фаолияти катта самаралар бераётганини сайёҳлик манзиллари билан танишиш асосида ҳам сезиш ва кўриш қийин эмас. Кўплаб хунардонлар сайёҳларга ўз ижоди намуналарини тақдир этмоқда ва бу кичик бизнеснинг бир кўриниши холос. Ваҳошонки, 20 йил аввал бу ҳақда ҳатто гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шунингдек, мазкур шаҳарларда фаолият кўрсатаётган кўплаб меҳмонхоналар, ресторан ва кафелар ҳам микро ва кичик корхоналар сирасига қиради.

Ўзбекистонда касб-хунардонларнинг малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу таълим муассасаларида 9-синфини тамомлаган ёшлар ўқини давом эттиради. Коллеж ёки лицейда уч йил ўқиш мактабларнинг тўққизинчи синфини битирган барча ўқувчилар учун мажбурийдир.

Ўзбекистонда 9+3 таълими бўйича бепул мажбурий таълим тизими 15 йил аввал жорий этилган. Уни амалга ошириш учун 1 миллиард доллар миқдорда ташқи қарз олинди. Уч йил аввал таълимга давлат бюджетининг 50 фоиздан ортиги йўналтирилган эди. 2011 йилнинг ўзида коллеж ва лицейларни 600 минг йигит-қиз тамомлади, уларнинг 60 минг нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди. Муайян касб-хунардонларни эгаллаган 540 минг нафар ёш турли соҳаларда меҳнат қилмоқда.

Мамлакатда жами 2,5 миллион йигит-қиз коллеж ва лицейларни битирган. Улар маз-

кур таълим муассасаларида касб кўникмасини эгаллаш билан бирга, камида иккита хоржий тилни ҳам ўрганган. Бу ҳақда гапирадиган бўлса, мактаб, коллеж ва лицейларда ўқувчилар ўрганиш учун тилни ўзлари танлаши мумкин. Ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган синфлар мавжуд.

Сўнгги йилларда мамлакатда 1,5 мингта шундай таълим муассасаси барпо этилди. Масалан, 1,7 миллион аҳоли яшайдиган Бухоро вилоятида 88 та касб-хунардон коллежи (84419 ўқувчи) ва 8 та лицей (5891 ўқувчи) фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги 9 та ўқув юрти ижтимоий ва гуманитар фанлар, 12 таси бизнес ва ҳуқуқ, 26 таси муҳандислик ва қурилиш, 15 таси қишлоқ хўжалиги ва ирригация, 12 таси хизмат кўрсатиш ва туризм, тўрттаси соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, иккитаси санъат соҳасига ихтисослаштирилган.

Хоржий делегациялар Самарқанддаги автосаноат соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган ва асосан, йигитлар ўқийдиган коллеж синфлари ҳамда устахоналарини кўриб, ҳайратини яшира олмадилар. Дизайн ва мода коллежиди хоржийлик меҳмонлар гўзал моделлар томонидан тайёрланган либослар намойишини кўриб лол қолди. Бухородаги санъат коллежиди мусика, рассомлик ва халқ хунардончилиги синфларини кўздан кечирдик. Бу ерда болалар бизга концерт дастурини намойиш этишди.

Шу ўринда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон қандай жамият барпо этмоқда, деган саволга, биз курган янги коллеж ёки лицейларга ташриф буюриб, уларда Ўзбекистоннинг келажиги — мутлақо янгича фикрлайдиган янги авлод тарбияланаётганини ўз кўзингиз билан кўришингиз ва ишонч ҳосил қилишингиз мумкин, деб жавоб берганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бугунги ёшлар советлар тузуми нима эканини билмайди. Мамлакатимиз 21 йил давомида ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда мустақил ривожланиб келмоқда. Ёшларимиз ўз кучига ишонадиган, энг муҳими, собиқ тузум мафурасидан мутлақо халос бўлган мустақил фикрлайдиган эркин одамлардир».

Йиғилишда Республикада ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ўзбекистон Республикаси Президентининг қўлига қўйиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги фармойишига биноан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

ниб бориш, бу борада масъул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга оширилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар самарадорлиги, оммавий ахборот воситалари орқали қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнининг ёритиб борилиши таҳлил қилинди ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

«2012 — 2016 йилларда бос-томонидан билдирилаётган тақдир ва мулоҳазаларни ўрга-

рининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация ва ривожлантириш бўйича истиқбол лойиҳалари ва дастурларни қўллаб-қувватлаш» ҳамда «2012 — 2016 йилларда аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисо-

дий фаоллиги даражасини оширишда журналистларни иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, журналистлар ўртасида йиллик танловларни ўтказиш»га доир комплекс

чора-тадбирлар кенг муҳокама қилинди ва тасдиқланди. «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури» лойиҳаси кўриб чиқилиб, мазкур дастурни янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди. «Ўзбекистон матбуоти» Миллий форуми ва кўргазмасини ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилиб, бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Йиғилишда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича 2012 йил сентябрь — декабрь ойларида ташкил этиладиган тадбирлар дастури Комиссия аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Йиғилишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан республикада ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифалар даражасида янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

«Art Week Style.UZ — 2012» Яна санокли кунлардан сўнг пойтахтимизда маданият ва санъат йўналишидаги нуфузли халқаро тадбир — «Art Week Style.UZ — 2012» ҳафталиги бошланади. Маълумки, мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси ташаббуси билан бу йил еттинчи бор ўтказилмоқда.

Нуфузли санъат анжумани арафасида

Мода, театр, кино, мусика ва амалий санъатга оид бири-бирдан қизиқарли лойиҳаларни ўз ичига олган ушбу ижод байрами бу гал ҳам жаҳонга машҳур санъат арбоблари, маданият намояндалари, истеъдодли ижодкорлар ва юзлаб гўзаллик ихлосмандларини бир ерга жамлайди.

Аввал хабар қилганимиздек, санъат ҳафталиги 30 сентябрь кунин «Олтин Гепард» иккинчи халқаро кинофорумининг очилиши билан бошланади. Ушбу ижодий анжуман доирасида янги фильмлар тақдими, минифестиваллар, маҳорат дарслари, турли галанамоийш ҳамда қизиқарли ижодий учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Ёрқин таассуротларга бой яна бир шундай тадбир 1 — 7 октябрь кунлари ўтказиладиган «Theatre.UZ» учинчи халқаро театр фестивалидир. Ушбу йирик маданият фестивалида Буюк Британия, Болгария, Германия, Исроил, Россия ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари театр жамоаларининг янги спектакллари намойиши, юртимиз ва хоржийлик ижодкорларнинг ҳамкорлиқдаги лойиҳалари, таниқли актёр ва режиссёрлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари ҳамда замонавий театр санъати мавзуга бағишланган илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади.

Санъат ҳафталиги дастуридан, шунингдек, VI Тошкент халқаро фотобиеннаlesi тадбирлари ҳам кенг ўрин олган. Икки юз нафарга яқин хоржийлик ижодкорлар иштирок этадиган фотобиенналеда ўттизга яқин шахсий кўргазмалар, шунингдек, турли ижодий мулоқот ва учрашувлар уюштирилади. Ҳафталик доирасидаги миллий дефиле, фэйшн мутахассисларнинг маҳорат дарслари, сартарошлик санъати танлови, ёш дизайнёрлар ижодига бағишланган чиқишлар, маданий мерос ва архитектура масалаларига бағишланган илмий анжуман ҳамда қатор хайрия акцияларига 4 — 9 октябрь кунлари пойтахтимиздаги йирик санъат қошалари мейзбонлик қилади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Qishloq Qurilish Bank
Хурматли орадошлар!
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»
сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан самимий қўтлайди
ва қуйидаги янги омонат турларини тақдир этади:
Миллий валютада: «Мустаҳкам оила-ё», «Олтин қуз», «Мезон», «Фаровонлик», «Фортун», Хорижий валютада:
Ҳисобланган фоизлар ойма-ой тўлаб берилади.
Мурожаат учун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» филиаллари телефонлари:
Сизнинг омонатларингиз:
Ахборот маркази телефонлари:
Банкадаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.
«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Table with 7 columns: T/P, Аукционга қўйилган объект, Фаолият тури, Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улуш (%), Закалат миқдори (%), Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларидан) Сўм, АҚШ доллари.

Аукцион савдоси 2012 йил 29 октябрь кунин соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — соат 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишининг сўнгги муддати — 2012 йил 26 октябрь кунин соат 18.00.

Оқоридаги улуш 2012 йил 29 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 5 ва 12 ноябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтишининг олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишининг сўнгги муддати — 2012 йил 5 ноябрда, тақорий савдолар учун 2012 йил 2 ноябрь кунин соат 18.00, 12 ноябрдаги савдолар учун 9 ноябрь кунин соат 18.00.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: аукцион голиби улушининг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунча пули сифатида, қолган қисминини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартин билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хоржий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шартин билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Узмилибанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдо голиби, деб топилган шахсга 10 иш кунин ичиди сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайди: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамий к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Бухоро вилояти филиали
томонидан газетанинг шу йил 20 сентябрь 186(5606)-сониди берилган реклама эълонидидаги аукцион ўтказиш санаси «19 октябрь» ўрнига «22 октябрь» деб ўқилсин.
Қўшимча маълумот олиш манзили: Бухоро шаҳри, Муостақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Гувоҳнома № 004059

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Навоий вилояти филиали
бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақдир этади!
1. Аукцион савдосига Қармана тумани СИБ томонидан, ФИБ Қармана туманларо сундининг 2012 йил 16 апрелдаги 21-216/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қармана тумани «Дўрман» ҚФИ худудиди жойлашган, умумий ер майдони — 4477,54 кв.м., ишчи майдони — 310,53 кв.м., умумий майдони — 882, 84 кв.м. бўлган 12 та хонадан иборат идора биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 404 063 493 сўм.
2. Аукцион савдосига Зарафшон шаҳар СИБ томонидан, Навоий вилояти хўжалик сундининг 2009 йил 29 сентябрдаги 21-0907/5816-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қизилкум Мануфактура» МЧЖга тегишли, Томди туманида жойлашган, ички майдони — 570,1 кв.м., умумий майдони — 2545,8 кв.м. бўлган, 114 та хонадан иборат уч қаватли «АБК-маъмурий ва маиший хизмат корпуси» биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 203 279 152 сўм.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси Иқтисодий педагогика кафедраси профессори
Нутфилло ХУЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдарлик билдиради.
Тошкент молия институти жамоаси доцент Рафик Қодировга палари бузруквори, техника фанлари доктори, профессор
Хусан ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурининг ҳаётга ижтимоий таътиқ этилиши тўғрисида қўрилган қонунларнинг умумтаълим мактаблари барпо этилиши, мавжудлари кўркам қиёфага келтирилиши, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. 9+3 таълим асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимининг жорий этилиши, мактаб таълими етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тоjik тилларида олиб борилаётгани, Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиниб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришнинг ноёб тизимига асос солиниши халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Шунингдек, юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спортга жалб этиш мақсадида йўлга қўйилган уч боқичли мусобақалар тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт уйинлари ҳам жаҳонда муқобили йўқ, ёш авлодни вояга етказишда энг мақбул ва самарали тизим сифатида эътибор қозониб, дунё мамлакатлари томонидан кенг ўрганилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ташкил этилган “Юксак билими ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференцияда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осие тараққий банки, Жаҳон банки, Ислам тараққий банки вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, Жанубий Корея каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими

раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашиб, Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга аргизулик эканини эътироф этгани мамлакатимизнинг ўзига хос тараққий йўли, хусусан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларимиз муваффақияти унинг нақадар тўғрилигига яна бир ишончли далил бўлди.

Яқинда Франциянинг нуфузли “Insead” халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланган “2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси” деб номланган таъ-

йлиги ички маҳсулотининг 10-12 фоизи ва давлатимиз бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилмоқда. Эътиборлиси, ёшларимизни ҳар томонлама етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга қилиб тарбиялаш учун сарфланган ана шу маблағларга келажакка қўйилаётган муҳим инвестиция сифатида қаралмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури доирасида республикамиздаги жами 9763 та мактабнинг 8501 тасида, яъни 3 миллион 12 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган умумтаълим муассасаларида олиб борилган ул-

табларнинг 1-синфига қадам қўйган 500 мингдан ортиқ болалар 12 номдаги ўқув қуроллари ва портфельдан иборат “Президент совғаси”га эга бўлишди. Шунингдек, 580 976 та кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийим-бош тўплами билан, 10 699 нафар яқка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчи зарурий ўқув қуроллари ва дарсликлар билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан бўлган мулоқотларида уларни доимо бир неча хорижий тилларни ўрганишга даъват этиб келадилар. Бу даъват ниҳоятда долзарб ва

маънодаги нуфузли касбага айланганини таъкидлаш жоиз. Масалан, дунёнинг 200 дан ортиқ давлати орасида фақат Ўзбекистондагина 1 октябрь — ўқувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эътиромининг яққол намунасидир”.



Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Эъзоз ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси

лилий маърузага асосланган ҳолда, халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компанияси томонидан эълон қилинган АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисидаги қиёсий ахборотида Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича иккинчи ўрнини эгаллаган. Ушбу тадқиқот дунё миқёсида яқин ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқарадиган, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи истикомат қиладиган 141 мамлакат ўртасида ўтказилганини инобатга олсак, берилган баҳо нақадар юксак ва ҳолис эканини яққол тасаввур этиш мумкин.

Бундай эътирофлар асосини, шак-шубҳасиз, мустақкам устулар ушлаб турибди. Жумладан, дунёда глобал молиявий-иқтисодий инкирознинг салбий таъсири давом этган бир шароитда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили мамлакатимиз

кан бунёдкорликлар ҳақида ҳам кенг тўхталиб ўтиш керак, аслида. Аммо бу алоҳида мавзу. Шу билан бирга, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма тузилгани умумий миллий дастур якунланган, қурилиш-таъмирлаш ишларини давом эттириш имконини бермоқда. Хусусан, биргина 2012 йили 14 та янги уй-жой массивида замонавий мактаблар барпо этилди, 187 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилиниб, 162 таси капитал таъмирланди. Шунингдек, уларнинг моддий-техник базаси мустақкамланди. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш ҳолати ҳам яхшиланди. Агар 1991 йили бу борадаги кўрсаткич 55,4 фоизи ташкил этган бўлса, ўтган йили 99,4 фоизга кўтарилди. Барча ўқувчилар дарсликлардан арзонлаштирилган наҳдларда, ихра тизими асосида фойдаланишмоқда. Бу йил ҳам мак-

аҳамиятлидир. Авваллари болага ёшлигидан чет тилларини ўргатиш кўпроқ ота-она зиммасида бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб мактабнинг бошланғич синфларида ҳам бу масалага жиҳдий эътибор қаратилиб, чет тиллар интенсив шаклда ўргатишмоқда. Эътиборлиси, инфоматика фани 5-синфдан бошлаб жорий этилди.

Албатта, замонавий бино ва иншоотлар, ўқув ва амалий машғулот қуроллари, лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари ўқувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Энг муҳими, ана шу шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, таълим мазмунини ошириш, сифат кўрсаткичига эътиборни кучайтиришдир. Бу бугунги куннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади ва устоз-мураббийларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Мустақиллик йилларида ўқувчиларнинг машаққатли меҳнати эъзоз топиб, педагогик чин

1992 — 2012 йиллар давомида халқ таълими тизимида жами 3,5 мингга яқин педагог давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган, айниқса, 6 нафар ҳамкасбимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган олий мукофотга лойиқ қўрилгани юртимизда ўқувчилик касби нақадар эъзозланаётганидан далолат беради. Қолаверса, халқ таълими ходимларидан 104 нафари “Эл-юрт ҳурмати”, 21 нафари “Фидокорона хизматлари учун”, 259 нафари “Меҳнат шўхрати”, 507 нафари “Соғлом авлод учун”, 347 нафари “Дўстлик” орденлари, 1252 нафари “Шўхрат”, 9 нафари “Жасорат” медаллари ва бошқа унвонлар билан тақдирланган мамлакатимизда ўқувчи ва мураббийларнинг шарафли меҳнати юксак қадрланишини англатади.

Бугун республикамиздаги 9763 та умумтаълим мактабида 416 минг 188 нафар педагог 4,5 миллиондан

кўпроқ ўқувчи-ёшларга сабоқ бермоқда.

Мактабларга ёш кадрларни жалб қилиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Мисол учун, 2004 йили олий ўқув юртиларида педагогика ва касбий таълим йўналиши бўйича таъин қилинган 2945 нафар битирувчи иш билан таъминланган бўлса, шу йил олий ўқув юртиларини грант асосида битирган 7629 нафар ёш мутахассис мактабларда ўз иш фаолиятини бошлади.

Рағбат, эътибор инсонни янада

Мухтасар айтганда, истиқлол йилларида Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг пировард мақсади, мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди, янгиланди. Зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонқуяр ўқувчи ва муаллимлар, устоз ҳамда мураббийларга бўлган ҳурмат-эҳтиром олий даражага кўтарилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқувчилик ва мураббийликдир”.

Темир ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини

муносабати билан юртимиздаги
барча устозларни қўтлайди!

Хурматли юрtdошлар!

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Сизларга қўйидаги
юқори фойзли омонат турларини
таклиф этади:

- «УСТОЗ»
- «ИШБИЛАРМОН»
- «ОИЛА ҚУВОНЧИ»
- «САРМОЯ ПЛЮС»
- «БОЛАЖОН»
- «ФАХРИЙ»
- «КАПИТАЛ»
- «ШОДИЁНА»

«Микрокредитбанк» сармоялари —
тадбиркорлик, бунёдкорлик
ва тараққий хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳаси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзломлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусоҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.30 Тошпирилди — 22.10 1 2 3 4 5